


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 10 сентябрь, № 180 (6615) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга мансуб меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 12 сентябрь душанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2016 йил 12 сентябрь мамлакатимизда дам олиш куни деб белгилансин ва байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи — Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 9 сентябрь

# ЧЕТ ЭЛ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ҚАЙҒУСИГА ШЕРИКДИР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти вафоти ҳақидаги қайғули хабар бутун дунёни қалқитди. Ана шу оғир жудолик муносабати билан хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган мақолаларда чуқур ҳамдардликлар билдирилаётгани баробарида, замонавий Ўзбекистон тарихида Ислом Каримовнинг тутган ўрни, мамлакатимизнинг суверен, демократик ва гуллаб-яшнаётган давлат сифатида шаклланишида буюк Йўлбошчимизнинг беқиёс ҳиссаси хусусида ҳам атрофлича фикр юритилмоқда.

Хусусан, **Франциянинг "TV5Monde"** телеканалида Ўзбекистон мустақиллиги асосчисининг ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишлаб намойиш этилган махсус кўрсатувда "Ислом Каримов чорак аср мобайнида ўз мамлакати барқарорлигини таъминлаган атоқли давлат ва сиёсат арбоби", дея таъкидлаб ўтилди.

**Испаниянинг "La Gaceta"** газетаси эса Ўзбекистоннинг Биринчи Президентига "Минтақа барқарорлигининг кафолати", деб таъриф берар экан, у нафақат ўз мамлакати, балки хорижий давлатларда ҳам катта обрў-эътиборга эга бўлгани, дунё аҳамиятига молик муҳим сиёсий масалаларнинг ҳал этилишида алоҳида ўрин тутганини қайд этди. Нашрнинг бош мақоласида келтириб ўтилганидек, Ўзбекистон Ислом Каримовнинг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли терроризм ва диний экстремизм сингари хавф-хатарларни енгиб ўтди, барқарор тараққиётга эришиб, жаҳоннинг кўпгина давлатлари билан тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатди ҳамда буни қўллаб-қувватлади.

**"El DiarioYa" (Испания)** электрон журналида эълон қилинган публицист-диншунос Понсе Алегре қаламига мансуб мақолада эса қуйидаги жумлаларни ўқиш мумкин: "Ислом Каримов нафақат буюк етакчи ва машҳур сиймо, балки яхши инсон ҳам эди. У ўз халқига улкан мерос — сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий жиҳатдан барқарор давлат қолдирди. Сайёрамизнинг айрим ҳудудларида нохуш ҳолатлар рўй бераётган бугунги кунда дунё Ислом Каримовдек раҳбарга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож эканлиги аён бўлмоқда".

Ўз навбатида, **Италияда нашр этиладиган "Corriere Nazionale"** газетаси ҳам ўз ўқувчиларини Ислом Каримовнинг бунёдкорлик борасидаги эзгу фаолияти натижалари билан таништирди. Унда ёзилишича, "Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти шарофати билан мамлакат тарихан қисқа даврда демократик сиёсий тизимга эга бўлди, иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши таъминланди ва эркин бозор муносабатларига ўтилди... Саноат тармоқлари, айниқса, кимё, тўқимачилик ва автомобилсозлик индустрияси изчил ривожланмоқда. Республикада самарали таълим тизими йўлга қўйилган, қатор нуфузли хорижий олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Турин политехника университетининг бўлими фаолият юритаяпти... Ўзбек халқи келажакка ишонч билан қарамоқда".

Худди шундай мақолалар мамлакатдаги "La Repubblica" ва "Ansa" сингари бошқа оммабоп нашрлар саҳифаларида ҳам чоп этилди.

Германиянинг "**Berlin City Report**" газетасида ёзилишича, Ислом Каримов халқнинг кенг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлган эди. Давлат раҳбари 2015 йил март ойида бўлиб ўтган Президент сайловлари якунлари бўйича сайловчиларнинг 90 фоиздан зиёд овозини тўплагани бу фикрни тасдиқлайди. "Ислом Каримов раҳбарлиги даврида республика ривожланишнинг муваффақиятли йўлини босиб ўтди, — дея хулоса қилади журналист. — Шубҳа йўққи, у бошлаган иш давом эттирилади".

**"Yonhap" ахборот агентлиги (Жанубий Корея)** Ўзбекистон Президенти билан видолашув маросимида қатнашиш учун Корея Республикаси ҳукумати Бош вазири ўринбосари, таълим вазири Ли Жун Сук бошчилигидаги делегацияни юборгани ҳақидаги хабарни тарқатди.

"Жанубий Корея бу оғир йўқотиш ва чуқур қайғуни Ўзбекистон халқи сабр-бардош билан енгиб ўтишига ишонади", дея қайд этади агентлик.

Японияning оммабоп "**The Japan News**" газетаси Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов билан видолашув маросимидан репортажни эълон қилди:

"Тиллакори мадрасасида мусулмон урф-одатларига мувофиқ, жаноза намози ўқилди. Видолашув маросими иштирокчилари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон, Марказий Осиё ҳамда бутун МДҲ макони олдидаги хизматларини алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, Ўзбекистон раҳбари мамлакатда ва халқаро майдонда эркин фуқаролик жамияти ҳамда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича чуқур ўйланган стратегияни ишлаб чиққан ва ҳаётга татбиқ этган зукко, узоқни кўра оладиган сиёсатчи сифатида юксак обрў-эътибор қозонган эди", деб ёзади нашр.

(Давоми 2-бетда).

# МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

*2016 йилнинг 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов бошқарди.*

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қатнашчилар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтиришди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ, 2016 йил 4 декабрь, якшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жорий йилнинг 9 сентябридан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар Марказий сайлов комиссияси, тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан очиқ ва ошкора, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилиши таъкидланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Марказ Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уйда жойлашган.

Шу куннинг ўзида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96 ва 117-моддалари, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2016 йил 8 сентябрдаги 568-III/СҚ-105-III–сонли қўшма қарори маълумот учун қабул қилинсин.
2. 2016 йил 4 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2016 йилнинг 9 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.
4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси — М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 9 сентябрь

# СПОРТЧИЛАРИМИЗ ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНИДАЁҚ РЕКОРД НАТИЖАГА ЭРИШДИ

**Яқинда Бразилияда ўтказилган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида вакилларимиз юксак натижага эришиб, Ўзбекистон номини дунёга янада кенг ёйишга муносиб ҳисса қўшишди. Улар бошлаб берган ғалаба эстафетасини эндиликда паралимпиячиларимиз давом эттирмоқда.**

Rio2016 PARALYMPIC GAMES






**МЕДАЛЬ ЖАМҒАРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ КУНДАН КЕЙИНГИ ҲОЛАТ**

| | | G | S | B | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ХИТОЙ | 8 | 9 | 4 | 21 |
| 2 | БУЮК БРИТАНИЯ | 6 | 3 | 4 | 13 |
| 3 | ЎЗБЕКИСТОН | 3 | 2 | 3 | 8 |
| 4 | БРАЗИЛИЯ | 3 | 1 | 1 | 5 |
| 5 | АҚШ | 2 | 4 | 2 | 8 |
| 6 | ГРЕЦИЯ | 2 | 0 | 1 | 3 |

Гап шундаки, айнан Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтаётган XV Паралимпия ўйинларининг биринчи кунида ҳамюртларимиз 3 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди. Буни ҳозирданоқ спортимиз тарихидаги яна бир муҳим воқеа, рекорд натижа, ёрқин саҳифа сифатида баҳолаш мумкин. Чунки шу пайтгача бизда Паралимпия ўйинларининг фақат битта кумуш медали мавжуд эди ва унга 2012 йили Лондон шаҳри мезбонлик қилган нуфузли мусобақада дзюдочимиз Шариф Халилов эришганди.

(Давоми 4-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида янги ўқув йили муносабати билан "Очиқ эшиклар куни" давом этмоқда. Ушбу тадбир ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, ахборот-коммуникация технологияларига оид кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, мазкур зиё масканидаги имкониятлар билан уларни яқиндан таништиришда муҳим аҳамиятга эга.

● **Мамлакатимиздаги барча таълим муассасасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан ўқув йилининг биринчи ўн кунлигида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Диққат, болалар!" профилактика тадбирлари уюштирилмоқда. Уларда ўқувчи-ёшларга йўл ҳаракати қоидалари, ҳайдовчи ва пиёдаларнинг мажбуриятлари, хавфсизлик шартлари батафсил тушунтирилаётир. Йўл-транспорт ҳодисаларининг оқибатлари ҳамда уларнинг олдини олишга доир маълумотлар бериб борилаяпти.**

● Жиззах шаҳрида яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби очилди. Бунинг учун Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 565 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Янги мажмуадаги замонавий спорт заллари, хоналар зарур жиҳозлар билан таъминланди, мунтазам шуғулланиш учун зарур қулайликлар яратилди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МАМЛАКАТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК

Шу йилнинг 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимиз сиёсий ҳаётига оид долзарб масала кўриб чиқилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди. Парламент аъзолари республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш муҳимлигини таъкидлашмоқда.

**МУНОСАБАТ**

**Илҳом АБДУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Олий Мажлис палаталарининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни вақтинча юклаш тўғрисидаги масаласи юзасидан бўлиб ўтган қўшма мажлиси юртимизда демократик ва ҳуқуқий жамият ривожланишининг юқори даражада эканлигини кўрсатди. Кўплаб мамлакатлар учун мураккаб бўлган сиёсий ҳокимиятнинг ўтиши масаласи юртимизда кенг демократик муҳокамалар, миллий қонунчилик нормалари талабларига мувофиқ шароитда амалга оширилмоқда. Атоқли давлат ҳамда сиёсат арбоби, миллий мустақиллигимиз ижодкори, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон бошига тушган оғир синовни матонат билан енгиб ўтаётгани бутун дунёга мамлакатимизда давлат ва жамоат институтларининг етуклигини, халқимизнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданияти юксаклигини яққол намоён қилмоқда.

Ислом Каримовнинг "Бизга тинчлик ва омонлик керак!" деган чуқур маънога эга сўзлари барчамизнинг қалбимиздан жой олган. Шу боис ҳукумат раҳбарининг маърузасида келтирилган "Турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали вазиятда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек сақлашимиз, юртимиздаги миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашимиз керак", деган сўзларни мамлакатимиз фуқаролари теран англамоқдалар. Давлат органларининг қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни, конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларга оғишмай амал қилишни таъминлашга қаратилган фаолияти доимо фуқароларимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланади.

(Давоми 2-бетда).

# Инфратузилманинг муҳим йўналиши

Автомобиль транспорти — замонавий инфратузилманинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг барқарор ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг юқори суръатда ўсиши ва интеграциялашувида, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда катта аҳамиятга эга.

**ИСЛОҲОТ**

Автомобиль транспорти фаолиятининг самарадорлиги давлат томонидан амалга оширилаётган транспорт сиёсати даражасига боғлиқ. Шу маънода, юртимизда соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилиб, тегишли қонун ҳужжатларининг давр талаблари асосида такомиллаштирилаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Хусусан, "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги, "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари соҳани тартибга солиш ҳамда изчил равнақ топтиришга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган давлат транспорт сиёсати тизимда бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш, бошқарувни такомиллаштириш, тармоқда хусусий секторнинг ўрни ва аҳамиятини тубдан оширишга қаратилган. Бунинг далили тариқасида сўнгги тўрт йилнинг ўзида мазкур соҳадаги қонунчиликка жиддий ўзгартишлар киритилиб, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга йўналтирилганини таъкидлаш лозим.

Жумладан, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда йўл ҳаракатининг асосий принциплари (қонун-қоидалари) белгиланган, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштирок этиши назарда тутилган, йўлларни сервис объектлари билан жиҳозлаш, тартибга келтириш, фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини текшириш бўйича талаблар киритилган. Шунингдек, меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган ҳайдовчиларнинг ҳуқуқлари ҳам белгиланган.

Барча транспорт турлари томонидан ташишлар жараёнида йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ҳамда мулкига етказилган зарар қопланишини кафолатлаш мақсадида "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳаётга татбиқ этилгани яна бир эътиборли жиҳатдир. Ушбу ҳужжат, энг аввало, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва иқтисодиётга инвестицияларни кенг жалб қилишда алоҳида ўрин тутувчи суғурта бозоридаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга туртки бўлаётир. Унда ҳамма турдаги транспорт воситалари ҳамда ташишни амалга оширувчи ташувчилар қамраб олинган. Бунда ташувчининг йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги юзага келган чоғдаги мулкий манфаатлари ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш объекти ҳисобланади. Ташувчи, суғурталовчи, йўловчи, жабрланувчи ва наф олувчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектларидир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори соҳада кичик корхоналар сафини кенгайтириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш борасидаги ишларни юқори босқичга олиб чиқди.

Гап шундаки, мазкур ҳужжатда автотранспорт соҳасидаги кичик корхоналар ходимлари сонининг чегараланган миқдори 25 нафардан 50 нафарга кўпайтирилиши белгиланган. Бу эса автокорхоналарнинг малакали ходимлар билан тўлиқ таъминланиши, янги иш ўринлари яратилиши, таъмирлаш зоналари, автосервис хизматлари ҳамда автомобилларни ювиш ва бошқа хизматларни яратиш билан ишлаб чиқаришни диверсификациялашга, автотранспорт воситалари ҳамда тегишли равишда кичик корхоналар сони сезиларли даражада кўпайиши ҳисобига солиқ тўловларининг бюджетга келиб тушиш миқдори ортишига имкон туғдиради.

Автомобиль транспортини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчилик асослари ҳақида сўз борар экан, бу ўринда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларини келтириш жоиз. Унда автомобиль транспортида юкларни ташиш жараёни иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни, уларнинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва жавобгарликларини қатъий кўрсатадиган ҳамда юклар ташилиши, уларнинг сақланиши ва бошқа шартларига доир талаблар ўз ифодасини топганки, булар соҳа тараққиётида айни муддао бўлаяпти.

Шу билан бирга, автотранспорт корхоналарининг ёнғин хавфсизлигига, йўналишсиз такси фаолиятига, дарё транспортига ҳамда ташувчиларнинг раҳбарлари ва ходимлари учун қўйиладиган малака талабларига доир идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилгани ҳамда жорий этилгани ўзининг амалий самарасини бераётир.

Албатта, автомобиль транспорти соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, уни халқаро ҳуқуқ нормалари ва илғор амалиёт билан уйғунлаштириш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу эса, биринчи навбатда, фуқароларнинг айни жабҳадаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини кафолатлашга, автотранспорт хизматини янада яхшилашга, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожига мустаҳкам замин яратаяпти.

**Тоҳирхўжа ЖАМОЛХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи ўринбосари.**

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

### Ўттиз йилгача фойдаланиш мумкин

**Хоразм**

Электр энергияси иқтисодиётимиз ривожида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ундан тежамкорлик билан фойдаланиш давр талабига айланган.

Урганч туманининг Чаккашолиқор қишлоғидаги "Турон электро ускуналари" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Яъни бу ерда нисбатан кам миқдорда энергия сарфлайдиган замонавий лампалар тайёрлашга киришилди. Ушбу лойиҳа рўёби учун 400 миллион сўмлик сармоя сарфланди. Пировардида йилига 30 минг донагача маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.

Эътиборлиси, корхона лампалари анъанавий чўғланма чироқларга нисбатан 80 фоизгача электр қувватини тежайди ҳамда экологик хавфсизлиги билан ажралиб туради. Ундан 30 йил давомида фойдаланиш мумкин.

Келгусида "Турон электро ускуналари"да тежамкор кўча ёритқичлари ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Китобхонлар учун савдо маркази

**Навоий**

Навоий шаҳрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан қарийб 300 миллион сўмлик маблағ эвазига китоб савдо маркази барпо этилиб, бу ерда 400 номдан ортиқ китоблар савдоси йўлга қўйилди.

Мазкур зиё масканининг очилишига бағишланган тадбирда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг китобга қизиқишини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Юртимизда бундай маънавият марказларининг кўпайиши эртамиз эгаларининг миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишига хизмат қилади.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Бунёдкорликда кенг қўлланилади

**Сурхондарё**

Бойсун туманидаги "Бойсун йўл қурилиш" хусусий корхонаси тасарруфидаги иккита шағал саралаш заводида илғор технологик линиялар воситасида йилига 15 минг куб ҳажмдаги қурилиш ашёси тайёрланаяпти.

Мазкур жамоа ҳудуддаги йўлсозликка ихтисослаштирилган ва бунёдкорлик ташкилотларига саралаган қум ҳамда тош етказиб бермоқда.

— Ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилишга киришдик, — дейди корхона раҳбари Салим Равшанов. — Бунда банк томонидан ажратилган 200 миллион сўм миқдоридаги кредит қўл келмоқда. Жумладан, жорий йил охиригача заводларимиздан бирида техник ва технологик янгиланишларни якунлаймиз. Бу эса, ҳадемай, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда буюртмачиларни янада сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш имконини беради.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Оилавий корхона муваффақияти

**Андижон**

Пахтаобод туманидаги "Абдумутал текстиль" оилавий корхонасида совғабоп чинни буюмлар тайёрлашга киришилди.

— Бу орқали қўшимча иш ўринлари яратилди, — дейди кичик бизнес субъекти раҳбари Муҳаммаджон Содиқов. — Ҳозир ойига ўртача 20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз. Айни пайтда уларни экспорт қилиш чораларини кўрмоқдамиз.

Таъкидлаш керакки, бундан уч йил олдин уч турдаги болалар спорт кийимлари тикиш билан фаолият бошлаган ушбу корхонада эндиликда спорт буюмлари ҳам тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу эса буюртмачилар сафи кенгайишига хизмат қилмоқда.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Ёшларга «Камолот» уйлари топширилди

Сирдарё туманидаги Бахт шаҳрида ёш оилалар учун бунёд этилган "Камолот" уйи фойдаланишга топширилди.

**ҒАМХЎРЛИК**

Жумладан, армрестлинг бўйича Осиё чемпиони ҳамда халқаро мусобақалар иштирокчиси, олий тоифали спорт мураббийси Бобоқул Ҳусанов оиласи ҳам уч хонали шинам тураржойга эга бўлди.

— Юртимизда биз, ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишишимиз учун барча шароит яратилган, — дейди у. — Ана шундай имкониятлар туфайли болалигимдан спорт билан шуғулланиб, турли нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш бахтига муяссар бўлдим. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида олган сабоқларим эса болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги фаолиятимда жуда қўл келмоқда. Қолаверса, турмуш ўртоғим Гулноза ҳам шу мактабда мураббийлик қилади. Айни пайтда у ҳам мен танлаган спорт тури бўйича Осиё чемпиони ҳисобланади. Янги уйимиздаги қулайликлар ҳар ҳавас қилгулик даражада.

Таъкидлаш лозимки, бундан аввал Янгиер шаҳри, Сардоба, Оқолтин туманларида ҳам "Камолот" уйлари қурилиб, ўз эгаларига топширилган эди. Ҳадемай, Мирзаобод туманидаги бир гуруҳ ёш оилалар ҳам шундай хонадонларга кўчиб ўтади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Мустақил диёр нақшлари»

Ўзбекистон амалий санъат музейида ташкил этилган кўргазма ана шундай номланди.

Унда мамлакатимиз ҳунармандларининг каштачилик ва кулолчилик йўналишида яратган энг сара асарлари намойиш этилмоқда.

**КЎРГАЗМА**

Кулолликнинг Ғиждувон мактаби давомчиларидан ҳисобланган Нарзуллаевлар сулоласига хос "Табақигардон", "Нондон", "Шокоса" сингари қадимий буюмларнинг қайта тикланган нусхалари санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилинаяпти.

Айтиш мумкинки, миллий маданиятимиз ва амалий санъат дурдоналари ҳисобланган ушбу буюмлар йигирма беш йил давомида юртимизда маданият ҳамда санъат соҳасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини ифодалайди. Кўргазма доирасида маҳорат сабоқлари ҳам ташкил этилди.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

ЭЪЛОН

«YASMIN GOLD AUTO» МЧЖ

шуни маълум қилади, «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 10 августдаги 154-сонида чоп этилган эълон матнидаги 2016 йил 12 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоси Қурбон ҳайитига тўғри келганлиги сабабли, аукцион савдоси 2016 йил 19 сентябрь куни соат 11.00 га кўчирилди.

1378R/260 Гувоҳнома № 008311.

**ФАХР**

Буюк неъмат — Истиқлол нафақат марказий шаҳарларимиз, балки чекка ҳудуддаги қишлоғу овулларимиз қиёфасини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Бундай янгиланишлар одамларнинг онгу шуурини-да ёритиб, келажакка ишонч, фахр-ифтихор туйғулари мустаҳкамланишига замин яратди.

# Хорижлик сайёҳлар ҳайрати

Бугун ҳар бир юртдошимизнинг ишонч тўла нигоҳлари янада юксак марраларга қадалган. Ортида олис мозий қаъридан қўллаб турган аждодлар руҳи, жаҳонда ўз ўрнига эга бўлган ҳамда тинчлик ва фаровонлик таъминланган Ўзбекистондек таянчи бор халқнинг ҳар бир вакили умр иморатига келажакка дахлдор олтин пойдевор қўймоқда.

Дарвоқе, чорак аср муқаддам бундай фикрларни қоғозга туширишга, хаёлга келтириш ҳам амримаҳол эди. Ўша пайтлар биз ишлаётган Деҳқонобод туманидаги Обиравон қишлоғининг аҳволи ниҳоятда хароб эди. Мактаб бўлмаганлиги боис ўқувчилар қўшни қишлоқдаги мактабга 6-7 чақирим масофадан қишин-ёзин машаққат чекиб қатнар эди. Шифокор етишмас, бирор киши касалликка чалинса, яна бошқа қўшни қишлоққа борар, умидсиз ҳаёт кечирардик. Истиқлол боис ҳаёт ўзгарди, турмушимизга барака кирди. Қишлоғимиз ичимлик суви ҳамда газ билан таъминланган. Деярли ҳар бир хонадонда ўзимизда ишлаб чиқарилган автоуловлар мавжуд. Барчага бирдек маъқул келган воқеа бу — қишлоқда янги мактаб биносининг қурилиши бўлди. У барча спорт анжомларига эга гимнастика зали билан бирга барпо этилди. Қарангки, бундан бир неча йиллар бурун бу қишлоққа келтирилиши тасаввур ҳам қилинмаган замонавий компьютерлар, мультимедиа воситалари синфхоналарга ўрнатилди. Бундан ташқари, қишлоқда ҚВП ҳам очилди. Деҳқонободда тиббиёт коллежи фаолияти йўлга қўйилганидан буён ҳар 5 та оила битта тиббий мутахассис хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимиз эшиклари дунёга кенг очилганидан бери бизнинг қишлоқдан ҳам хорижлик сайёҳлар қадами аримайди. Яқинда шулардан бир гуруҳи қишлоғимиздан ўтаётганда бир оила уларни чойга таклиф этади. Чанқаган францияли сайёҳлар таклифни қабул қилади. Уларга ҳовли саҳнидаги қайрағоч соя солиб турган супага дастурхон ёзилиб, нон-чой қўйилади. Меҳмонларни, айниқса, муздеккина чалоб ўзига ром этади. Салқин ичимликдан ҳовури босилган хорижликлар бу ердан кўриниб турган манзараларга кўз югуртирар экан, тоғ устидаги ялтироқ гумбазли миноралари кўриб, унинг нима эканлиги билан қизиқишади. Қаранг-ки, мезбонлар орасида университетнинг француз тили факультетида ўқиётган талаба ҳам бор эди. Талаба бу миноралар "Самарқанд" юлдузи кашф этилган Майданак расадхонаси эканлигини фахр билан тушунтириб беради.

Сайёҳлардан бошқа бири қишлоқнинг қоқ ўртасидаги тепаликда дарахтларга бурканган муҳташам оқ бинонинг қандай иншоот эканлигини сўрайди. Бунга жавобан ҳалиги талаба Биринчи Президентимизнинг машҳур "Иморатлар ичида энг чиройлиси мактабдир...", деган иқтибосини келтиради. Бу жавобдан завқланган меҳмонлар беихтиёр қарсак чалиб юборишади.

Бу — кичик бир воқеа. Лекин унинг замирида чет элликларнинг миллатимиз, давлатимиз порлоқ келажагига доир эътирофи ётганлиги кишига ғурур бағишлайди. Дарҳақиқат, бу таърифга асослар етарли. Зеро, бугун мамлакатимизда кечаётган туб ислоҳотларга уйғун равишда бизнинг Деҳқонобод туманида ҳам таълим соҳасидаги ижобий ўзгаришлар самараси кўзга ташланмоқда. Шу мактабда бошланғич сабоқ олган икки нафар ўқувчи бугун Тошкент тиббиёт академияси магистратурасида ўқимоқда. Яна бир қанчаси нуфузли олий таълим муассасаларини битириб, турли вазифаларда ишлаяпти. Деҳқонобод саноат касб-ҳунар коллежини тугатган ўқувчиларимиз эса туманимиздаги калийли ўғитлар заводида иш билан банд.

25 йил — тарихан қисқа давр. Аммо Ватанимиз учун бу муддат салмоғи асрларга татигулик бўлди. Шундай экан, Истиқлолимизни асраб-авайлаш, тинчлигимизни қадрлаш, Ватанимизни улуғлаш — бурчимиздир.

**Тўлқин АМОНОВ,**
**Деҳқонобод туманидаги 76-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.**

# Билим — етуклик асоси

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни баркамол этиб вояга етказишда устоз-мураббийнинг ўрни ва ҳиссаси беқиёс. Заҳматкаш касб эгалари фарзандларимизга илм-фан сирларини ўргатиб, навқирон авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашдек улуғ вазифани шараф билан адо этиб келмоқдалар. Чунончи, Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси тизимидаги 540 та умумтаълим мактабида давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида ўқитиш сифатини яхшилаш — доимий эътиборда.

**ТАЪЛИМ**

Тизимда фаолият олиб бораётган 17682 нафар педагогнинг малака ошириши билан боғлиқ режалар ҳам ўз вақтида бажарилаётир. Мактабларда 202875 нафар ўқувчига бир нечта тилда таълим берилмоқда.

Вилоятимиздаги 5 та мактабда фуқаролик жамияти асослари фанини жорий этиш мақсадида тажриба ва синовлар ўтказилди. Чет тилларни ўрганишга қаратилган тадбирлар ҳам кучайтириб борилаяпти. Айни вақтда вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги ўқув муассасаларида 1032 нафар инглиз тили фани ўқитувчиси фаолият кўрсатмоқда. 570 нафар педагогнинг бу йўналишдаги билимларини юксалтириш мақсадида ҳафтанинг жума кунлари малака ошириш курслари олиб борилади.

Саъй-ҳаракатларимиз натижасида бир қатор йўналишларда ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, "Энг яхши дарс ишланмаси" кўрик-танловининг республика босқичида вилоятнинг уч нафар ўқитувчиси биринчи, тўрт нафари иккинчи ўринни эгаллади. Худди шундай "Йилнинг энг фаол ўқитувчиси" кўрик-танловида Зарбдор туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси Рустам Ибрагимов ғолиб чиққан бўлса, Жиззах шаҳридаги 8-мактаб ўқитувчиси Севара Баратова иккинчи ўринни қўлга киритди.

Ўз навбатида, таълим шароитини яхшилаш ҳам доимий эътиборда. Хусусан, бу йил вилоятда битта янги мактаб фойдаланишга топширилди, қолаверса, 8 тасига реконструкция қилиниб, 3 таси капитал таъмирланди. Мазкур мақсадлар учун 11 миллиард 706 миллион сўм сарфланди.

Айни вақтда вилоятдаги умумтаълим мактабларидан 418 тасига физика, 335 тасига кимё ҳамда биология лабораторияси, 66 тасига кимё ва яна шунчасига биология лабораторияси жиҳозлари келтирилиб ўрнатилди.

2016/2017 ўқув йиллари учун ҳудуддаги ўқув муассасаларига 1 миллион 49240 дона дарслик ҳамда ўқув қўлланмаси етказиб берилиб, улар болаларга ижара асосида, кам таъминланган оила фарзандларига эса бепул тақдим қилинди.

Маънавий-маърифий тадбирларнинг бир қисми ўқувчиларнинг йўл ҳаракати қоидалари, техника ва ёнғин хавфсизлиги, соғлом турмуш тарзига оид билимларини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ана шу тадбирларда фаол иштирок этаётган ўқувчиларни рағбатлантириш масаласи ҳам эътиборда четда қолаётгани йўқ. Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни турли ёт ғоялардан асраш мақсадида 179 минг 540 нафар ўқувчи мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳамда тўгаракларга жалб қилинган. Миллий маънавиятимизга хавф туғдирувчи омилларга қарши ёшларнинг иммунитетини кучайтиришга қаратилган тадбирлар ҳам мунтазам ўтказилмоқда.

Мамлакатимиз таълим-тарбия соҳасида ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган узоқ муддатли дастурлар демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш концепциясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шундай экан, ёшларнинг баркамол этиб вояга етказиш масаласига бундан кейин ҳам устувор аҳамият қаратилаверади.

**Эргаш ЖАББОРОВ,**
**Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.**

# СПОРТЧИЛАРИМИЗ ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНИДАЁҚ РЕКОРД НАТИЖАГА ЭРИШДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, бундай ютуқлар ўз-ўзидан келаётгани йўқ. Барчаси давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк йиллариданоқ спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани самарасидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори асосида паралимпиячиларимизнинг ўқув-машғулот йиғинлари ўтказиш, нуфузли мусобақаларда тажриба орттиришлари учун яратиб берилган шарт-шароитлар бугун ўз мевасини бераяпти.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги ва иштироки тўғрисидаги қарори вакилларимизнинг ушбу йирик спорт анжуманида муносиб қатнашишини таъминлашга хизмат қилаётир.

Мусобақа тафсилотларига тўхталишдан аввал қисқача XV Паралимпия ўйинларининг очилиш маросими ҳақида сўз юритсак. Бу унутилмас тадбир Рио-де-Жанейродаги "Маракана" стадионида бўлиб ўтди. Байрамона безатилган муҳташам аренада театрлаштирилган саҳна кўринишлари, санъат усталарининг чиқишлари намойиш қилинди. Анъанага мувофиқ, майдонга мусобақада қатнашаётган давлатлар терма жамоалари бирма-бир чиқиб кела бошлади... Ниҳоят Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини енгил атлетикачимиз, 2013 йили Лионда ўтказилган жаҳон чемпионати кумуш медали соврindори Дониёр Солиев стадионга олиб кирди. Мухлислар ҳамюртларимизни олқишлар билан кутиб олди... Худди Олимпиада ўйинларида ҳис этганимиз каби қалбларимиз яна фахр-ифтихорга тўлди, она-Ватанимизга меҳр-муҳаббатимиз жўшиб кетди. Мана, истиқлол берган имконият, мана, спортнинг мўъжизавий кучи! Зеро, бу Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби дунёга тезда машҳур қила олмайди", деган фикрига ҳаётий мисолдир.

Паралимпия иштирокчиларини "Рио — 2016"нинг ташкилий қўмитаси раиси Карлус Артур Нузман ҳамда Халқаро Паралимпия қўмитаси президенти Филипп Крейвен қутлади. Шундан сўнг XV Паралимпия ўйинлари машъаласи ёқилди.



Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мазкур спорт форумида 160 дан ортиқ давлатнинг тўрт мингдан зиёд атлети 23 спорт тури бўйича 528 медаллар жамламаси учун кураш олиб бораяпти. Ўзбекистонлик 32 нафар паралимпиячи дзюдо, сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш ҳамда пауэрлифтинг баҳсларида маҳоратини намойиш этаётир.

Юртимиз спорт делегацияси ҳисобига XV Паралимпия ўйинларининг илк олтин медалини дзюдочимиз Шерзод Намозов тақдим қилди. У вазни 60 килограммгача бўлган атлетлар беллашувида уругвайлик Хенри Боргес, озарбайжонлик Рамин Иброҳимовни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи баҳсда эса дзюдо ватани ҳисобланган Япония вакили Макото Хироседан устун келиб, чемпион бўлди.




66 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида ҳам олтин медаль Ўзбекистон дзюдочисига насиб этди. Ушбу вазнда қатнашган Ўткиржон Ниғматов пуэрто-риколик Луис Диас Перес, украиналик Давид Хорава, озарбайжонлик Байрам Мустафоевни мағлуб этиб, Паралимпия ўйинлари ғолибига айланди.

Учинчи олтин медални енгил атлетикачимиз Ҳусниддин Норбеков келтирди. У диск улоқтириш бўйича 59,75 метр натижа билан биринчи ўринни эгаллади. Эътиборлиси, Ҳусниддиннинг бу кўрсаткичи жаҳоннинг янги рекорди сифатида қайд этилди. У рақибларини жуда катта фарқ билан ортда қолдиргани ҳам диққатга молик. Масалан, литвалик Биилиус Миндаугас дискни 53,50, хитойлик Сиа Донг эса 52,15 метрга улоқтириб, совриндор бўлди.

Ғолиб спортчиларимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Хотин-қизлар ўртасида вазни 52 килограммгача бўлган дзюдочилар баҳсида иштирок этган ҳамюртимиз Севинч Салаева канадалик Присилла Гагнени мағлубиятга учратиб, учинчи ўринни эгаллади.

100 метрга баттерфляй усулида сузишда тажрибали спортчимиз Кирилл Паньков кумуш медаль билан тақдирланди. Яна бир вакилимиз Музаффар Турсунхўжаев ушбу йўналишда бронза медални қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида ҳудди шу масофага мазкур усулда сузиш бўйича Муслима Одилова делегациямиз ҳисобига навбатдаги кумуш, Фотимахон Амилова эса бронза медални тақдим этди.

XV Паралимпия ўйинларининг дастлабки кунидан сўнг медаллар жамғариш бўйича Ўзбекистон спорт делегацияси умумжамоа ҳисобида Хитой ва Буюк Британиядан кейин учинчи ўринда бормоқда.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**


ЭЪЛОНЛАР

## «Best realtor» МЧЖ
### Наманган минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан ЖИБ Наманган шаҳар судининг 2014 йил 20 февралдаги 1/54-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Наманган тумани, «Қумқўрғон» ҚФЙда жойлашган, 1989 йилда қурилган, фойдаланиш майдони 601,12 кв. м., қурилиш ости майдони 582,43 кв. м., 1 қаватли, 6 (олти) хонадан иборат бўлган бостирма (навес) бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 341 875 980 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2014 йил 21 февралдаги 16-1307/18506-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Наманган тумани, «Тошбулоқ» ШФЙ, «Катта Тошбулоқ» МФЙда жойлашган, «Наманган агротехсервис МТП» МЧЖга тегишли, қурилиш ости майдони 1 592,58 кв. м., фойдаланиш майдони 1 448,40 кв. м., 21 (йигирма бир) хонадан иборат бўлган автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш станцияси (здание СТО авто) бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 517 532 277 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 12 октябрь куни соат 12.00 да ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 10 октябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000800433601001, МФО: 00223, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 7-уй.**
**Телефон: (0-369) 227-85-25. Электрон почта: best.namangan@inbox.uz www.emulk.uz**

1372А/540

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 12 августдаги 12-1604/6717-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдураҳмон Жомий номидаги МФЙ, Пахтакор кўчасида жойлашган, «Сирдарё сув қурилиш» МЧЖга тегишли, умумий майдони 11 512,0 кв. м. бўлган 42 та хонадан иборат маъмурий бино ва бошқа иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 312 500 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 8 июндаги 12-1603/3534-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдураҳмон Жомий номидаги МФЙ, Амир Темур кўчасида жойлашган, «Ғофуржон Нодирбек файз» МЧЖга тегишли, умумий майдони 940,75 кв. м. бўлган умумий овқатланиш шохобчаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 382 871 400 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 10 октябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 7 октябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар 2016 йил 10 октябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 14 ноябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 11 ноябрь куни соат 18.00.

**3.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 14 февралдаги 12-1111/921 (27.1)-сонли ва 2012 йил 6 сентябрдаги 12-1206/3664 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик уруғчилик чигит» МЧЖдан қарзини ундириш эвазига хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган, 27 та кўчмас мулкдан иборат бино-иншоотлар мулкий мажмуа сифатида арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 835 725 966 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 18 апрелдаги 12-1306/2055-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Янги ҳаёт» СИУ, Охунбобоев кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 1139,0 кв. м. дан иборат, «Дони» хусусий фирмасига тегишли бўлган бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 425 756 109 сўм.***

**5.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 23 ноябрдаги 12-1207/15633-сонли ижро варақаси ва 2013 йил 31 январдаги 12-1306/1028 (27.1)-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Ўзбекистон» СИУ ҳудудида жойлашган, «Файз — 2003 йил» МЧЖга тегишли умумий майдони 6,0 гектар бўлган чорвачилик фермаси бино-иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 373 671 283 сўм.***

**6.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой тумани судининг 2015 йил 11 декабрдаги 1-304-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, «Ширин» ШФЙ, Гулистон кўчасида жойлашган, «Соҳил соҳибкор барака» МЧЖга қарашли фойдаланиш майдони 2871,85 кв. м. бўлган, чўмилиш ва соғломлаштириш маскани арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 363 447 402 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 26 сентябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 23 сентябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри,**
**Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона.**
**Телефон: (0-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

1379Б/180

Хизматлар лицензияланган.

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Тошкент шаҳар филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**Аукцион савдосига Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 47-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ қўрғони, Қурувчи маҳалласида жойлашган, умумий майдони 716,55 кв. м., тураржой майдони 11,30 кв. м., 6 та қурилмадан иборат 315-сонли дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 69 259 594 сўм.***

**2.** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 39-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 39-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1383 кв. м., фойдаланиш майдони 109 кв. м. бўлган бино.

***Бошланғич баҳоси — 272 950 988 сўм.***

**3.** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 38-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Қўйлиқ (собиқ Олимбеков) кўчаси, 18-уйда жойлашган, умумий майдони 280 кв. м. бўлган кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 702 346 204 сўм.***

**4.** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 40-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 234/236-уйда жойлашган, умумий ер майдони 623 кв. м., тураржой майдони 166,86 кв. м. бўлган 7 та хонадан иборат 2 қаватли уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 2 432 468 772 сўм.***

**5.** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 41-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бешоғайнилар кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 625 кв. м., тураржой майдони 73,56 кв. м. бўлган 5 та хонадан иборат 15/17-уй.

***Бошланғич баҳоси — 1 205 915 906 сўм.***

**6.** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 42-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ц-1 мавзеси, 51-уйда жойлашган, умумий майдони 73,72 кв. м., тураржой майдони 53,36 кв. м. бўлган 4 хонадан иборат 25-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 283 454 283 сўм.***

**7.** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 43-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 64-уйда жойлашган, умумий майдони 143,66 кв. м., тураржой майдони 85,86 кв. м. бўлган 3 хонадан иборат 2-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 383 992 955 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 14 октябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 12 октябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли вакиллар учун ишончнома, хорижий юридик ва жисмоний шахслар қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома тақдим этадилар.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.**
**Телефон: (0-371) 236-38-28. www.1kms.uz**

1373А/180

Хизматлар лицензияланган.

## «VODIY MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда.

**1.** Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» МФЙда жойлашган, фойдаланиш майдони 54127,0 кв. м. дан иборат бўлган темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 366 305 328 сўм.**

**2.** Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, «Кўмирчи» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 112,29 кв. м. бўлган 4-сонли савдо дўкони бино-иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 30 146 221 сўм.**

**3.** Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 54513,89 кв. м. дан иборат бўлган Керамзит базаси бино-иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 245 646 677 сўм.**

**4.** Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙда жойлашган, «Гулистон» савдо дўкони бино-иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 43 666 998 сўм.**

**5.** Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Зураймомо номидаги МФЙда жойлашган, умумий ер майдони 62870,11 кв. м. бўлган молхона комплекси бино-иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 317 218 772 сўм.**

Мазкур кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоси 2016 йил 27 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 26 сентябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Vodiy mulk savdo» МЧЖнинг «Ўзмиллийбанк» Фарғона бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000405001150001, МФО: 00493, СТИР: 302399277.

**Манзил: Фарғона вилояти,**
**Фарғона шаҳри, Қувасой кўчаси, 92-уй.**
**Телефон: (0-591) 106-25-58.**
**www.vms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1375А/621


*(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 14 сентябрь, чоршанба куни чиқади).*


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 912 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.49 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6